

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2014 йил 7 май

ЧОРШАНБА

№ 37 (12673)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Кўрғазмали семинар

ШАРОИТ ҚУЛАЙ, ИМТИЁЗЛАР КЎП

Республика Давлат солик қўмитаси Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасида инвестиция қўлми ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори мазмун-моҳияти ҳамда тадбиркорлик субъектларига яратилаётган қулай имконият ва афзалликлар тўғрисида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш мақсадида мутасадди вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда "Ўзэкспомарказ" биносида кўрғазмали семинар ташкил этиди.



(Давоми 2-бетда).

9 май – Хотира ва қадрлаш куни

Мустақиллик ва эзгулик майдони бугунги кунда ҳар қандай кишининг қалбини жунбишга келтиради. Узоқ ва яқин хотиралар гирдобига тушасиз. Эзгулик дарвозасидан кириб борар экансиз, қаршингизда ҳаёт моҳияти, лаззатию шавқу шуури рамзи бўлган Бахтиёр она ёдгорлиги қалбингизни ёритиб, руҳиятингизни кўтарди. Ям-яшил майдон бир томони тилла ранг, бошқа бир томони оппоқ мўъжизавий биноларга бориб ташади.

ИНСОН АЗИЗ, ХОТИРА МУҚАДДАС

Улар халқимиз эзгу тилақларининг, беғубор орзуларининг ифодасидай бўлиб туюлади, кишига. Зотан, айна ана шу қошоналарда мамлакат истиқболи, халқ келажиги, миллий равнақ ва ислохот режалари туюлади, муҳим қарорлар қабул қилинади. Қаршингизда турган улкан ёдгорлик – Бахтиёр Она ҳамда қувнок, соғлом ва дуркун фарзанд кифосида мамлакатимизда тинчлик, осудалик, хушнудлик ва бахтиёрлик барқарорлигини, буюк келажакка қатъий ишонч билан яшаётган Она тимсолида Она Ўзбекистонни тасаввур этасиз.

Дарҳақиқат, бугунги бахтиёрлик, ҳаёт завқи ва келажакка ишонч ўзидан пайдо бўлган йўқ. Бу кўна макон, бу қадимий халқ озодлик кунларига етгунча не-не қирғинбаротларни, жанг-жудаларни, офат ва фожияларни кўрмади. Уларнинг ҳаммасига бардош бериб, юксак маънавий қудрат, ирода ва эътиқод билан истиқболга интилди. Натижада бугунги эркин ва осуда ҳаётга етиб келди.

Эзгулик дарвозасидан киришингизда ўнг томонингиздаги кўркам арчазор ва ям-яшил майдонда айна ана шу андуҳлар, гам-ғуссалар, жудоликлар, айрилиқлар, фарёд ва фиғонларнинг тимсоли сифатида мунгайиб турган Она хайкалига кўзингиз тушади. Ушбу муқаддас макон – азиз саждагоҳ дунёга келишининг ўзига хос тарихи бор. Бу тарих бевосита Мустақиллик ва Президент Ислам Каримов номи билан боғлиқ бўлган абадиятга дахлдор ҳодиса.

Хотираларга бироз эрк бериб, яқин ўтмишимизга назар солайлик. Мангу олов ёниб турган айна ана шу жойда номаълум солдат қабри турарди ва ҳар йили 9 май кунини фашистлар устидан қозонилган ғалаба байрам қилинарди. Ҳаммамиз – каттаю кичик, бутун халқимиз бу байрамга кўникиб қолган эдик. Биз уни табиий ҳолда қабул қилардик ва шу байрам гоёларига ишонардик.

(Давоми 2-бетда).

ИЗЛАНИШ ВА МАСЪУЛИЯТ САМАРАСИ

«Олтин қалам» IX Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолиб ва совриндорлари тақдирланди

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоллигида оммавий ахборот воситалари ривожини йўлида кўрсатилаётган улкан эътибор соҳа вакиллариининг ижтимоий масъулиятини теран ҳис этиши ва касб маҳоратини янада оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.



"Туркистон" саройида 2 май кунини журналистика соҳасида "Олтин қалам" IX Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолиблари ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тантанали маросимда бу жиҳатлар яна бир бор ўз ифодасини топди. 3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган ўтказилган ушбу тадбирда сенаторлар, депутатлар, вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотларнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари вакиллари, профессор-ўқитувчилар, фахрий журналистлар, талаба-ёшлар иштирок этиди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш. Ғуломов ва бошқалар оммавий ахборот воситаларини эркин фикр минбарига айлантириш, журналистларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур имконият ва шароитларни яратиш Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоллигида амалга оширилаётган кенг қўлмали ислохотларда устувор ўрин эгаллашни таъкидлади.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси миллий журналистика раўнақида ҳам янги босқични бошлаб берди. Мазкур Концепцияга мувофиқ оммавий ахборот воситалари фаолиятини доир миллий конунчилик муттасил такомиллашмоқда. Бу фуқароларнинг ахборотни эркин ва монеликсиз олиш ҳамда ундан фойдаланиш ҳуқуқини таъминламоқда.

(Давоми 3-бетда).

Вилоятимиз адиб нигоҳида

Кечикиб келган баҳорнинг, тўсатдан, шиддат билан бошланиши уйқусираб турган табиатни тўқинлантириб, уйғотди, тез-тез тур, оламни гулларга, кўкатларга бурқаб юбор, майсазорлар гурқирасин, дов-дарактларнинг бошига гулчамбарлар қўй, деб айтгандек бўлди. Олам гўзалликка, ёшарига, аъло кайфиятнинг нури тўқинларига лиммо-лим тўлди. Дилларда чаргонлик, кўнгилларда масрурлик ҳам баҳор билан бир вақтда келгандек гўё.



Худойберди ТЎХТАБОЕВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

РАҒБАТИ МЎЛ МАҲАЛЛА

Аҳолиси ўттиз миллиондан охири бораётган мамлакатимиздаги ёшариш, яратиш кайфияти, гурурни, ифтихорини мавжлангирди. Шундай кунларда ўзбек халқи маънавиятини юксалтириш йўлида яшаб, азиз жонини фидо қилиб, ўзбек адабиётида романчилик жанрига асос солган "Ўтган кунлар", "Меҳробдан чаён"дек буюк асарлар яратган улуг адибимиз Абдулла Қодирий таваллудининг 120 йиллиги, қисқагина умр кўриб, Аллоҳ берган истеъдоди ила халқимизнинг гурури, ифтихорини осмондек баланд кўтарган ўзбекининг оддийгина бедопаси мана-ман деб мактанган мамлакатларнинг гўзал қошоналаридан қолишмаслигини, тандирда ёпилган иссиқ-иссиқ нонлари эса ўша мақталган Париж рестораниларидан тайёрланган таомлардан ҳам лаззатлироқ эканини бир-биридан гўзал мисраларга жойлаб, қуйлаб ўтган Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини ҳам нишонлаш кувончли, саодатли дақиқаларга тўлиб ўтди. Бу кувончлар, бу саодатли дақиқалар, олис-олис

қишлоқларда, мўл ҳосил етиштиришдан деб бел боғлаб, енг шимариб чиққан дехқон далафарида, яйловларга қўй-қўзи қўйибдан чўпонларнинг бири-биридан гўзал, хузурбахш ўтовларида ҳам бўлиб ўтмоқда. Айниқса, бу кўтаринкиликда ўтаётган кувончли кунлар, гурури, ифтихорининг тўқинли оханглари, Охангарон, Янгийўл, Пискент, Паркент туман сузлайди. Масаланинг моҳиятини қисқа баён этади. Бугун ҳам худди шундай бўлапти. Туманда уч юз эллик мингдан ортиқ аҳоли, 150 дан ортиқ маҳаллада яшаркан. Ҳам мактаб, ҳам маҳалла қошидаги кутубхоналар бу туманга зиё нарқатар экан. Ҳамқор, ҳамнафас бўлиб ишлашаркан.

Маҳалла, мактаб, кутубхона бирлиги шаклланди экан. Бу уч йўналишдаги нури макон ҳамкорлиқда бир-бирини тўлдириб, бойитиб, ютуқларини улуглаб ишларкан. Бу, яъни маҳалла, мактаб, кутубхона бирлиги – ҳурматли Президентимиз таърифлаган маҳалла институтини айнан ўзидек экан. Ҳоким бу

ибратли бирликдан бошқа маҳалла, мактаб, кутубхоналар намуна олса яхши бўларди, деган фикрни билдирди.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мурод оксоқол тортинброқ минбарга чиқди. Бу кишини илгари ҳам кўп кўрганман. Кўпроқ гаплашиб, фикр-мулоҳазаларини эшитиш хоҳишим ҳам бўлган, лекин имконият бўлмаганди. Мана энди, хузур қилиб гаплашаман деган бир гап ўтди кўнгилдан.

– Ўқувчи ўғил-қизларим, илм-фанга интилаётган набираларим, дунёни маърифат нурига тўлдириб юбораётган талабчан устозлар, мендан меҳр қолар, муҳаббат қолар деб тарбия ишини ҳамкорликда олиб бораётган ёш қари маҳалладошларим. Яхши биласиз, ҳурматли Президентимиз ёшлар тарбиясини, уларни тезроқ қамолотга етишлари масаласини, кўпроқ билим эгаллаб, дунёни лол қолдиришлари зарурлигини тактикор-тактор айтганлар, ҳар кун айтганлар. Ана шу мақсадда биз маҳалла, мактаб, кутубхона маъмурулари режаларини биргаллашиб тузамиз. Баҳарилмай қолса, бир-биримизга ёрдамга келамиз. Президентимиз маҳалла институтини ривожлантириш зарур деганларидан шунинг назарда тутилган бўлса керак. Маҳалламизнинг 3170 аҳолиси, мактабнинг 78 муаллими, "Янги-янги китоблар келтирмасам кўнглим жойига тушмайди", деб меҳр билан ишлаётган Дилдора қизим билан бирлиги ҳаракат қилаяпмиз...

(Давоми 4-бетда).

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

«БОЗОРДАН БОЗОРНИНГ ФАРҚИ БОР»

Газетанинг 2014 йил 26 мартдаги 25-сонида юқоридаги сарлавҳа остида чоп этилган мақолада "Бўстонлик дехқон бозори"даги тартибсизликлар танқид қилинган эди. Таҳририят ушбу мақола юзасидан вилоят прокурори ўринбосари, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчи Б. Нурмухамедов имзоси билан жавоб хати олди. Унда жумладан шундай дейилади:

– "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2014 йил 26 мартдаги 25-сонида чоп этилган "Бозордан бозорнинг фарқи бор!" танқидий мақоласида

кўрсатилган "Бўстонлик дехқон бозори" масъулияти чекланган жамиятидаги ноҳуш манзаралар ва тартибсизликлар, шунингдек, махсуслотлар санитария талабларига жавоб бермайдиган шароитларда сотилаётганлиги туман прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилган. Аниқланишича, мақолада кўрсатиб ўтилган ҳолатлар бўйича 27 март кунини туман ҳокимлиги тегишли мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирокида тезкор йиғилиш ўтказган. Йиғилиш қарорига асосан, мақолада қайд этилган камчиликларни бар-

тараф этиш мақсадида, "Бўстонлик дехқон бозори" масъулияти чекланган жамияти ҳудудида тадбиркорлар ҳамда аҳоли томонидан савдо-сотикни амалга оширишда санитария-гигиена қоидалари ҳамда бозор фаолияти билан боғлиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва қонунарга риоя этилиши юзасидан туман ДСЭНМ, ДСИ, архитектура бўлими ва "Бўстонлик дехқон бозори" МЧЖ ходимларидан иборат ишчи гуруҳи тузилган.

Ушбу ишчи гуруҳнинг асосий вазифаси этиб, "Бўстонлик дехқон бозори" масъулияти чекланган жамияти ҳудудида фаолият олиб бораётган тадбиркорлар ҳамда аҳоли учун қулайликлар яратиш мақсадида режа асосида вақтинчалик енгил типдаги бозор расталари ташкил этиш, шунингдек туман ҳокимининг 2013 йил 9 декабрдаги 1474-сонли қарорига кўра, бозор ҳудудида амалга оширилаётган қўшимча қурилиш ишларини янада жадаллаштириш вазифаси юклатилган.

Йиғилиш қарорига кўра, ҳозир туман архитектура бўлими ходимлари "Бўстонлик дехқон бозори" масъулияти чекланган жамияти ҳудудида ҳамда унинг атрофида мавжуд бўлган ноқонуний қурилишларни аниқлаб, уларни буздириб чораларини кўришмоқда. Шунингдек, туман ДСЭНМ ва "Бўстонлик дехқон бозори" масъулияти чекланган жамияти ҳамкорлиқда бозорнинг санитария-эпидемиологик ҳолатини барқарорлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар иш-лаб қилинган.

Бундан ташқари, вилоят ҳокимлиги "Тошвилбозор-савдо" уюшмаси бошқаруви раисининг 2014 йил 5 мартдаги қарорига асосан "Бўстонлик дехқон бозори" МЧЖ раҳбари А. Т. Бўтаев Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 99-моддасига асосан, эгалаб турган лавозимидан озод қилинган.

Текшириш натижаларига кўра, туман прокурори "Бўстонлик дехқон бозори" масъулияти чекланган жамияти ҳудудида санитария-эпидемиологик ҳолатни яхшилаш ва бошқа аниқланган қўнун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан туман ҳокими номига тақдиминома киритган.

9 май – Хотира ва қадрлаш куни

Миллий истиқлол бизнинг тасаввуримизни ана шундай эзгуликлар билан ўзгартириб юборди. Қалбимизда меҳр-шафқат туйғуларини уйғотди. Мудраб ётган туйғуларимизни жунбишга келтирди. Ватан, Миллат, аждодлар ва авлодлар ворисийлиги ҳақидаги фикрларимизни яна ҳам чуқурлаштирди. Ватан, Она юрт тушунчалари чинакамга миллий қадриятга айланди. Бир неча минг йиллар мобайнида қонингда, жонингда, руҳингда яшаб келаётган жамики қадриятлар силсиласи вужудга келди. Ватан, бевосита туғилган гўшанг, муқаддас остонанг, наслу насабинг, шону шавкатинг, инсоний шаънинг, миллий масъулиятинг билан боғлиқ бўлган жуда нозик, айна пайта нихоятда улуввор, мўтабар туйғу эканини англай бошладик.

Хотира майдонинг қурилиши, унинг тарихи ва лойиҳалари устида ишлар экан, Президентимиз ўшанда инсон тақдирини, кадр қимматини, миллий орият ва миллат шаънини хусусида батақдор гапларни айтган эди: "Нима учун ана шундай қахрамон ва фидойи оталаримиз руҳи шод этиладиган, уларнинг арвоқлари қувонтирадиган бир пайта биз қайсидир хоржий шахарлар ва улар билан боғлиқ бўлган сиёсий ўйинларни эслашимиз керак?"

Бу майдонда Севастополь ёки Одессага эмас, ана шу жойларда фашизмга қарши курашда қурбон бўлган термизлик, нукуслик, қармиллик ёки андижонлик ватандошимизга ёдгорлик ўрнатишимиз керак. Уларнинг ҳажрида қуйиб, адо бўлган жабрдийда оналаримиз тимсолини абадийлаштиришимиз лозим. Ана шунда у қалбимизда миллий ғурур, миллий ифтихор туйғуларини кучайтиради. Фарзандларимиз зиёратга келганда: "Менинг аждодларим ана шу Ватанини ҳимоя қилиш учун қурбон бўлишган. Мен шундай бўлмоғим керак"

Дарҳақиқат, Европада жанг қилган ўзбек йигити жон олиб, жон бераётган, ҳаёт билан ўлим ўртасида қолган дақиқаларда айна ана ўша юрт ҳақида ўйламаган. Унинг кўз ўнгида, энг аввало, ота-онаси, қариндош-уруғи, бева қолган келинчаги гавдаланган. Болалиги ўтган қишлоғи, оёқяланг кўча чангитиб юрган маъсум болалиги ҳақида ўйлаган.

лида бу рус тилидан тўғридан-тўғри таржима қилинган сохта иборалар! Бу шахид кетган аскарнинг ҳақорат қилиш, унинг руҳини безовта қилиш эмасми? "Сенинг номинг номаълум, жасоратинг эса абадий", деган гапларни ҳам бир ўйлаб кўриш керак. Ахир бу нима деган гап? Бировнинг, бир тирик жоннинг меҳнати, хизмати, жасорати керак экан-у, унинг шахси, номи керак эмас

юрამиз. Биз учун, энг аввало, номинг азиз, исминг қутлуғ, отинг мўтабар, кейин, жасоратинг абадийдир, демоғимиз керак". Президент И. Каримов ана шу тарзда, 9 май – Галаба кунини мафқурад ҳоли қилиш, сиёсий чайқовчилик ва гоёвий ўйинлардан тозалаш йўлини танлади. Натижада коммунистик ақидапараслик, шовинизм таъсирида қолган бу мўтабар

қандай шароитда ҳам оқ билан қорани, яхши билан ёмонни, эзгулик билан ёвузлиқни ажратиб биладиган фидойилар заруриятини талаб этмоқда. Албатта, фанатик ҳам Ватанин севади. У ҳам хоҳлаган пайта Ватан учун ўзини фидо қилишга тайёр туради. Бирок, қандай мақсадда фидо бўлиш керак, бу фидоийликдан жамиятга қандай фойда келади, келгуси авлодга нима билан ибрат бўла олади? Буни хар томонлама англай билимлоқ керак", дейди Президент И. Каримов.

Хотира майдони ана шундай тарзда бунёд этилди ва айтиш мумкинки, давлатимиз раҳбарининг қалб изтироблари, оталик туйғуси, миллат ва халқ кечинмаларининг жуда чуқур ифода этган қарашларида ижтимоий адолат, инсон қадр қиммати яққол кўринади.

Бугун – орадан бир неча йил ўтиб, ҳақиқий зиёратгоҳ бўлиб қолган ушбу майдон миллат рамзига, мустақиллик тимсолига айлангани бежиз эмас. Ориқли хотиралар, фожияли ўтмиш бизни яна ҳам хушёрликка, яна ҳам дадилликка давват этади. Буюк истиқболга қаҳиради. Унинг натижасида шакланган миллий бирлик, миллий яхлитлик ҳар қандай бузғунчи қарашларга, ёт гапларга, миллий тараққийимизга зид мафқураларга ишончли тўсиқ бўлади, уни барбод этади. Ана шу тарзда хотирасидан ажралган, ўтмишнинг унутган, аждодларини билмайдиган, миллий қадриятларидан мосуво бўлган турмуш тарзига барҳам берилди. Буюк тарихи ва улкан маданиятга ворислик қилаётган, инсоният ҳаётига маданият олиб кирган халқ хотираси тикланмоқда, равшанлашмоқда. Айна пайтада тикланаётган хотира орқали миллий ғурур мустаҳкамланмоқда. Ифтихор туйғулари орқали эса миллат иродаси тобланмоқда! Буюк келажакка қатъий ишонч билан қарамоқда!

Нарзулла ЖУРАЕВ.

экан-да?! Коммунистик мафқуранинг асл мазмуни, мақсади айнан ана шу гоё эмасми?! Келинг, биз аждодлар хотирасини ёзозлайлик, уларнинг хурматини жойига қўяйлик, иззат-иқром билан номларини улуглайлик. Ахир биз нега бепарқ бўлишимиз керак? Бир неча минг километрга бориб, жон олиб, жон берган қахрамон ҳамюртимизнинг номи, наслу насабин, миллати бизга муқаддас эмасми? Энди коммунистик мафқура иллатларига барҳам берайлик. Ўзимизнинг дадил тутиб, очик-ойдин гапирайлик. Сенинг номинг, наслу насабинг, миллатинг биз учун маълум. Сен билан фахрланамиз, кўксимизни тоғдай кўтариб

кунни ўз номи билан аташ, уни Ватан ва Миллат раванакига, фарзандларимизнинг маънавий баркамол бўлишига, миллий ғурур-ни тиклашга хизмат қилдириш гоёси амалга оширилди. Бунинг учун биринчи галда тарих ҳақиқатини тиклаб, янгича муносабатда бўлиш, унинг ўқилмаган саҳифаларини очиб зарур бўлди. Ана шу тарзда тарих мафқурадан ҳоли қилиниб, соф инсонийлаштирилди. Унинг мазмуни инсон моҳияти орқали очилдиган бўлди.

Ҳамма замонда, ҳар қандай шароитда фидоийлар топилади. Бирок, "бугун Мустақиллик, миллий истиқлол мафқураси кўр-кўрона фидоийликни – фанатикларни эмас, онгли, ақл-идрок билан иш тутадиган, ҳар

қиладиган айрим тармоқлар, яъни қурилиш материаллари, озик-овқат ва енгил саноатда фаолият юритадиган кичик корхоналар ходимларининг чекланган ўртача йиллик сонини 100 дан 200 гача ошириш белгилаб қўйилди. Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат бюджетга уларнинг ҳисоб-вақоидларидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашда банк хизматлари учун тўлов ундириш амалиёти бекор қилинди.

Семинарда иштирок этган вилоятимиз тадбиркорлик субъектлари вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга мутасадди ташкилотлар мутахассисларидан батафсил жавоблар олдилар.

Ўз мухбиримиз.

қандай шароитда ҳам оқ билан қорани, яхши билан ёмонни, эзгулик билан ёвузлиқни ажратиб биладиган фидойилар заруриятини талаб этмоқда. Албатта, фанатик ҳам Ватанин севади. У ҳам хоҳлаган пайта Ватан учун ўзини фидо қилишга тайёр туради. Бирок, қандай мақсадда фидо бўлиш керак, бу фидоийликдан жамиятга қандай фойда келади, келгуси авлодга нима билан ибрат бўла олади? Буни хар томонлама англай билимлоқ керак", дейди Президент И. Каримов.

Хотира майдони ана шундай тарзда бунёд этилди ва айтиш мумкинки, давлатимиз раҳбарининг қалб изтироблари, оталик туйғуси, миллат ва халқ кечинмаларининг жуда чуқур ифода этган қарашларида ижтимоий адолат, инсон қадр қиммати яққол кўринади.

Бугун – орадан бир неча йил ўтиб, ҳақиқий зиёратгоҳ бўлиб қолган ушбу майдон миллат рамзига, мустақиллик тимсолига айлангани бежиз эмас. Ориқли хотиралар, фожияли ўтмиш бизни яна ҳам хушёрликка, яна ҳам дадилликка давват этади. Буюк истиқболга қаҳиради. Унинг натижасида шакланган миллий бирлик, миллий яхлитлик ҳар қандай бузғунчи қарашларга, ёт гапларга, миллий тараққийимизга зид мафқураларга ишончли тўсиқ бўлади, уни барбод этади. Ана шу тарзда хотирасидан ажралган, ўтмишнинг унутган, аждодларини билмайдиган, миллий қадриятларидан мосуво бўлган турмуш тарзига барҳам берилди. Буюк тарихи ва улкан маданиятга ворислик қилаётган, инсоният ҳаётига маданият олиб кирган халқ хотираси тикланмоқда, равшанлашмоқда. Айна пайтада тикланаётган хотира орқали миллий ғурур мустаҳкамланмоқда. Ифтихор туйғулари орқали эса миллат иродаси тобланмоқда! Буюк келажакка қатъий ишонч билан қарамоқда!

Нарзулла ЖУРАЕВ.

қандай шароитда ҳам оқ билан қорани, яхши билан ёмонни, эзгулик билан ёвузлиқни ажратиб биладиган фидойилар заруриятини талаб этмоқда. Албатта, фанатик ҳам Ватанин севади. У ҳам хоҳлаган пайта Ватан учун ўзини фидо қилишга тайёр туради. Бирок, қандай мақсадда фидо бўлиш керак, бу фидоийликдан жамиятга қандай фойда келади, келгуси авлодга нима билан ибрат бўла олади? Буни хар томонлама англай билимлоқ керак", дейди Президент И. Каримов.

Хотира майдони ана шундай тарзда бунёд этилди ва айтиш мумкинки, давлатимиз раҳбарининг қалб изтироблари, оталик туйғуси, миллат ва халқ кечинмаларининг жуда чуқур ифода этган қарашларида ижтимоий адолат, инсон қадр қиммати яққол кўринади.

Ўз мухбиримиз.

Кўргазмалар семинари

ШАРОИТ ҚУЛАЙ, ИМТИЁЗЛАР КЎП

Таъкидландики, республика Президентининг ушбу Фармон ва Қарори мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириш, қулай инвестиция вази-ятларини яратиш, тадбиркорлик фаолиятини юритиш шарт-шароитларини тубдан яхшилаш, янги иш ўринларини кўпайтириш орқали иқтисодийнинг хусусий секторига аҳоли бандлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Хусусан, фармоннинг 3-бандига асосан вази-рликлар, давлат кўмиталари, идоралар, акциядорлик компаниялари, уюшмалар ва маҳаллий давлат ҳокимияти орган-ларига ўзларининг рас-мий веб-сайтларини тадбиркорлик субъектлари

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон тадбиркор аёллари ассоциацияси вилоят ҳамда Оҳангарон туман бўлимлари ташаббуси билан туман ҳокимияти-да семинар ташкил этилди.

Тадбирда аёлларнинг бизнесга, хусусий тадбиркорлик ва касаначилик соҳалари-га янада фаолроқ жалб этиш имконият-лари масалалари кенг муҳокама қилин-ди. Семинар бошла-ниши олдидан кўп йиллик тажрибага эга бизнесчи аёллар ўз корхоналари ва микрофирмаларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргаз-масини ташкил эти-дилар.

– Биз семинар-га атайлаб катта тажри-баси бор ҳамда тад-биркорликка энди-гина қадам қўяётган-ларни тақлиф этдик, – дейди Ўзбекистон тадбиркор аёллари ассоциацияси вилоят бўлими раиси Дил-бар Айнекова. – Улар ўзаро мулоқотлар жа-раёнида ҳар икки то-мон учун фойдали қўшма лойиҳалар ҳа-қида келишиб олишлари эҳтимол-дан ҳоли эмас. Биз ҳам ўз тадбиркорлик фаолиятини бошла-ниш истовчи хотин-қизларга ёрдамла-шишга, бизнес-режа тузишда кўмакла-шишга, солиқ, кону-н-қоида, кредит олиш каби кўплаб масала-ларда маслаҳат бе-ришга тайёрмиз.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

Фестиваль

ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ АВЛОД

Вилоят Маънавият ва маърифат марказида республика маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, халқ таълими, ўрта махсус, касб-хунар таълими, маданият ва спорт

ишлари бошқармалари ҳамда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида ўтказилган ёшлар фестивалида 14 ёшдан 25 ёшгача бўлган иқтидорли ўғил-қизлар иштирок этди.



Максад – ёш авлод қалбига истиқлол неъматларини қадрлаш, она юрт, Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ғурур, инсонпарварлик туйғуларини шакллантириш, урф-одат, анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш, Ўзбекистон конунчилиги асосларини чуқур ўзлаштириш, шунингдек, юртимизга қарши қаратилган ахборот хуружлари, улар ортида турган кучларнинг гаразли мақсадларидан огоҳ этиш, хушёрликка

чорлаш, шунингдек ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш.

Фестиваль қатнашчиларининг "Бадиий ижод", "Президент асарлари билимдони", "Энг янги тарих билимдони", "Энг иқтидорли хунарманд", "Ўз асарига миллийликни акс эттирган расом", "Ўз асарига миллийликни акс эттирган ди-зайнер" ҳамда "Ватан куйчиси" номинацияла-ри бўйича тақдим эт-ган ижодий ишларида шу хижатлар яққол

кўзга ташланди. Фестивалнинг худудий босқичларида 4500 нафар ёшлар иштирок этган бўлса, вилоят босқичи-да 300 дан зиёд истеъ-дод ағалари қатнашди. Ғолибларга вилоят ҳокимининг 1-даражали дипломлари ва эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда вилоят ҳо-қими ўринбосари Али-мардон Қаршиев ишти-рок этди.

Сайёра ЭШМАТОВА. Кобилжон ГОФУРОВ олган сурат.

Давра суҳбати

ЖУРНАЛИСТНИНГ КАСБ ЭТИКАСИ

"Пойтахт" бизнес марказида ўтган давра суҳ-бати шу мавзуга бағишланди. Тадбирни Ўзбекис-тон мустақил босма оммавий ахборот восита-лари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувват-лаш ва ривожлантириш жамоат фонди Журна-листларни қайта тайёрлаш халқаро маркази, БМТ Тараққиёт дастури, ЮНЕСКО, Жаҳон банкининг мамлакатимиздаги ваколатхоналари ҳамкорли-гида ўтказди.

Вилоят Маънавият ва маърифат марказида республика маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, халқ таълими, ўрта махсус, касб-хунар таълими, маданият ва спорт ишлари бошқармалари ҳамда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида ўтказилган ёшлар фестивалида 14 ёшдан 25 ёшгача бўлган иқтидорли ўғил-қизлар иштирок этди.

Тадбирда босма ва электрон ОАВлари хо-димлари, олий ўқув юр-тлари профессор-ўқиту-вчилари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хоржий дипломатик корпус ва халқаро таш-килотлар ваколатхона-лари вакиллари иштирок этди.

Ешларнинг тил ўр-ғанишларига кўмаклаши-шга қаратилган шундай тадбирлардан бири Ол-малик шаҳридаги 3-ака-демик лицейда бўлиб ўтди. "Хоржий филоло-ги" фанлари оиллиги до-ирасида ташкиллашти-рилган семинар-тренин-гдан лицей ҳамда Вест-минстер университетининг ўқитувчи ва талаба-лари иштирок этди.

– Журналистнинг про-фессоналлик даражаси ўз бурчини ҳалол, оғир-вазминлик билан, адолат тамоғиллари асосида бажариши назарда ту-тади, – деди жамоат фонди директори Абду-лазиз Абдуллаев. – Унинг вазифаси одамларнинг ОАВга ишончини муста-ҳкамлаш, муштарий билан очик мулоқотни қўлла-б-қувватлаш, танқидга жа-воб бериш имкониятини яратиш, камчиликларни тез бартараф этишга қаратилган.

Лицей ўқувчилари ин-глиз тилини қай даража-да ўзлаштирилганлиги тест ор-қали синовдан ўтказилди.

Хуришда ТУРСУНБОУЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Пискент туман ички ишлар бўлими, ёнғин хавфсизлиги бўлими, халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда "Ёш кўнгилчилар" бел-лашуви ўтказилди.

Ўз мухбиримиз.

"Издошлар – кўмак-дошлар" дея номланган ушбу тадбирда мактаб ўқувчилари ёнғин хавф-сизлигини тарғиб этувчи бадиий ва ижодий ишлар, шеърлар, саҳна кўриниш-лари орқали мавзуга оид маълумотлар беришди.

ИЗДОШЛАР – КЎМАКДОШЛАР

СУРАЙЁ – ҒОЛИБ

Ўзбекистон Халқ де-мократик партияси Ку-йи Чирчиқ туман кенга-ши "Истиқбол" ёшлар қаноти ёшларнинг ҳар то-монлама етук, билимли қилиб тарбиялаш мақ-садида "Ёш сиёсатчи – 2014" кўрик танловини ўтказди.

Ўзбекистон Халқ де-мократик партияси Ку-йи Чирчиқ туман кенга-ши "Истиқбол" ёшлар қаноти ёшларнинг ҳар то-монлама етук, билимли қилиб тарбиялаш мақ-садида "Ёш сиёсатчи – 2014" кўрик танловини ўтказди.

Уч босқичли танловда касб-хунар коллежи ўқу-вчилари ўзаро баҳс олиб боришди.

Натижаларга кўра, ту-ман тиббиёт бирлашма-си ҳамшираси Сурайё Ҳасанова ғолиб деб то-пилиб, вилоят босқичи-га йўлланма олди. Ишти-рокчиларга ташкилотчи-ларнинг фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА.



Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида"ги қарор медиа тузилмалар фаолиятини давр талаблари даражасига кўтариш, уларнинг моддий-техник базасини мустақамлаш имконини бермоқда.

Соҳада олиб борилаётган кенг қўлмалли ўзгаришлар жараёнида электрон оммавий ахборот воситалари жадал ривожланмоқда, улар фаолиятининг самардорлиги ошмоқда. Мамлакатимизда интернет тизимидан фойдаланувчилар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Телекўрсатувларнинг мазмуни ва сифатини ошириш мақсадида рақамли телевиденига ўтиш бўйича кенг қўлмалли ишлар олиб борилаётган.

Соҳа ходимларининг машаққатли меҳнатини рағбатлантириш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, янгида янги ижодий марралар сари руҳлантириш – доимий эътиборда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблагларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ўтказилаётган қатор танловлари ОАВ таҳририятлари, нашриёт ва матбаа корхоналарининг фаолияти самардорлигини янада кучайтириш имконини бермоқда.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишлаб таъсис этилган "Олтин қалам" Миллий мукофоти миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, оммавий ахборот воситалари ходимлари фуқаро-

нафар журналист "Олтин қалам" Миллий мукофоти соҳиб бўлди. 48 нафар ижодкор нуфузли халқаро ташкилотлар ваколатхоналари таъсис этган мукофотлар билан тақдирланди.

Телевидение, радио, босма оммавий ахборот воситалари ва интернет-

ушун маблағ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ажратилди.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг

маънавият – энгилмас куч" асарига барча соҳалардаги ислохотлар самардорлиги, аввало, халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши, аънава ва урф-одатларимизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожини, энг муҳими, жа-

Ижодий беллашувнинг телевидение, радио, матбуот ва интернет-журналистика йўналишлари бўйича голибларига диплом, "Олтин қалам" кўрак нишони, статуеткаси ҳамда пул мукофотлари топширилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан таъсис этилган номинациялар бўйича ҳам мукофотлар топширилди.

Шу ўринда ушбу танловга қизиқиш халқаро ташкилотларда йил сайин ортиб бораётганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, бу йилги танловда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ахборот маркази, ЮНЕСКО, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Жаҳон банки, БМТнинг ОИВ/ОИТС бўйича Бирлашган дастури – ЮНЭЙДС, Халқаро муносабатлар миллий демократик институти (АКШ), "Регионал диалог" (Словения) каби халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ўз мукофотлари билан иштирок этди. Тантанали маросимда бир гуруҳ журналистлар ушбу ташкилотларнинг рағбатлантирувчи мукофотлари билан тақдирланди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги катта концерт намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икромов сўзга чиқди. **Назозат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.**

"Олтин қалам"нинг бу йилги совриндорларидан бири ҳамкасбимиз "Тошкент ҳақиқати" мухбири Хуршида Турсунбоева "Инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш мавзусидаги энг яхши материал учун" номинацияси голиби сифатида рағбатлантирувчи мукофотга сазовор бўлди.

ИЗЛАНИШ ВА МАСЪУЛИЯТ САМАРАСИ

лик позицияларини намоён этиши учун шароит яратиш, ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази томонидан Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Миллий теле-радиокомпания, "Uzreport" ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилаётган мазкур аънавановий танлов соҳа ходимларининг фаолигини янада ошириш, уларда изланувчанлик, ишга ижодий ва талабчанлик руҳида ёндашуви мустақамлаш имконини бермоқда.

Жумладан, 2006 йилдан бунён ўтказилаётган мазкур танловда 4 минг нафарга яқин журналист 50 мингдан ортқ ижтимоий аҳамиятга молик материал билан иштирок этди. 194

журналистика йўналишлари бўйича ўтказилаётган бу йилги ижодий лойиҳада ўн учта – битта Бош миллий мукофот, ҳар бир йўналиш бўйича учтадан мукофот таъсис этилган. Танлов учун мамлакатимизнинг барча турдаги оммавий ахборот воситаларида меҳнат қилаётган 490 дан ошқ журналистдан 7500 га яқин ижодий иш келиб тушди. Уларни баҳолашда танқидий ва таҳлилий чиқишларга, ҳаёт ҳақиқати, холис акс эттирилган, ижодий изланувчанлик асосида тайёрланган материалларга алоҳида эътибор қаратилди. Шу билан бирга, навқирон авлод онгу шуурини миллий ҳаёт тарзига эътибор берилди. Танловнинг маънавий асосида тайёрланган материалларга алоҳида эътибор қаратилди. Шу билан бирга, навқирон авлод онгу шуурини миллий ҳаёт тарзига эътибор берилди. Танловнинг маънавий асосида тайёрланган материалларга алоҳида эътибор қаратилди. Шу билан бирга, навқирон авлод онгу шуурини миллий ҳаёт тарзига эътибор берилди.

Танловни ташкил қилиш, ўтказиш, голибларни тақдирлаш билан боғлиқ сарф-харажатлар



"Маданият ва маърифат" телеканали журналистика соҳасида "Олтин қалам" IX Миллий мукофоти учун ўтказилган халқаро танловда Бош мукофотга лойиҳа деб топилди. Телеканал махсус диплом, "Олтин қалам" кўрак нишони, статуеткаси ва мамлакатимизда белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридagi пул мукофоти билан тақдирланди.

– Олтин қаламнинг маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши, аънава ва урф-одатларимизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожини, энг муҳими, жа-

мият тафаккурининг ўзгариши ва юксалиши билан боғлиқлиги алоҳида таъкидланган. Президентимиз ташаббуси билан "Маданият ва маърифат" телеканали ташкил этилиб, бугунги кунда самарали фаолият олиб бораётгани маънавиятнинг тикланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожини, энг муҳими, жа-

мият тафаккурининг ўзгариши ва юксалиши билан боғлиқлиги алоҳида таъкидланган. Президентимиз ташаббуси билан "Маданият ва маърифат" телеканали ташкил этилиб, бугунги кунда самарали фаолият олиб бораётгани маънавиятнинг тикланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожини, энг муҳими, жа-

ТАБРИК ВА ЭЪЛОНЛАР

«O'ZBEKKIMYOMASH ZAVODI» OAJ
ва ёшлари

Эл-юртимиз-истиқболи учун жонини фидо қилган, бутун умрини Ватанимиз озодлиги, обрў-эътибори, фаровонлиги, илму маданиятини кўтаришга бахшида этган табаррук бобокалонларимиз руҳини ёд айлаган ҳолда севимли Ўзбекистонимиз аҳлини, уруш ва меҳнат фахрийларини

9 май – Хотира ва қадрлаш кuni билан муборакбод этади.

"KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" MЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказилган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдосига Хамаза тумани СИБ томонидан 30.12.2013 йилдаги 10-1310/19573-сонли ижро варақасига асосан тақдим этилган қўйилмади кўчмас мулк қўйилмоқда: бошлангич нархи – 513 398 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Хамаза тумани, Автасозлар кўчаси, 2-квартал, 61-А уйда жойлашган, умумий ер майдони 286,0 кв.м., бинонинг умумий майдони 691,0 кв.м.дан иборат бино.

Аукцион савдолари 2014 йилнинг 10 июнь кuni соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" MЧЖнинг АТИБ "Ипотeka банк" Шайхонтохур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақами тўлашлари шарт, МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалари қабул қилинган ҳолда иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кулини соат 9:30 дан 17:00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимодиди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17:00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: № 0039.

"NEW ESTATE ACTION" MЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказилган тақририй очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Тошкент вилояти Янгийўл тумани СИБ томонидан: 2014 йил 19 февралдаги ижро ҳужжатига асосан: 1. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Эски Қовунчи ҚФЙ, Кирда кўчаси 1-А уй манзилида жойлашган: умумий ер майдони 2,0 Га., қурилиш майдони 3848,39 кв.м., бўлган ғийт ишлаб чиқариш заводи бино-иншоотлари ва ускуналар савдога қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси – 2 100 000 000 сўм; 2. Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар, Анаркулов даҳаси манзилида жойлашган иссиқхона бино-иншоотлари савдога қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси – 242 670 800 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 10 июнь кuni соат 12:00 дан бошлаб ўтказилади. Тошкент вилояти Янгийўл тумани СИБ томонидан: 2013 йил 17 декабрдаги ижро ҳужжатига асосан, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Қўшғоч ҚФЙ манзилида жойлашган: умумий ер майдони 22,887 Га., бўлган чорвачилик фермаси биноси савдога қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси – 164 800 000 сўм. Тошкент вилояти Янгийўл тумани СИБ томонидан: 2012 йил 22 июндаги ижро ҳужжатига асосан, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Н.Ниезов кўчаси, 2-просад, 9-уй манзилида жойлашган тураржой биноси савдога қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси – 53 500 000 сўм. Тошкент вилояти Янгийўл тумани СИБ томонидан: 2012 йил 13 июндаги ижро ҳужжатига асосан, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Ортиқов ҚФЙ, Мевазор кўчаси, 14-уй манзилида жойлашган тураржой биноси савдога қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси – 52 317 598 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 11 июнь кuni соат 12:00 дан бошлаб ўтказилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалари қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойга чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилганда закалат келишувга асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "NEW ESTATE ACTION" MЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Мировбаи филиалидаги қўйилмади ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО 01101, ИИН 302373151. Аукцион савдоси ўтказилишидан манзил: Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13. Лицензия: RR-0148.

Авал Тошкент шаҳри Яқкасарой тумани ТCRУИ томонидан 04.02.2003 йилда № 11-000665 реестр рақами билан рўйхатга олинган "ХОУJAGON" (ИИН 202598855) MЧЖга тегишли бўлган думалоқ муҳр ҳамда бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли **БЕКOP ҚИЛИНАДИ.**

Авал Тошкент шаҳри Яқкасарой тумани ТCRУИ томонидан 22.05.2007 йилда № 003057-11 реестр рақами билан рўйхатга олинган "SHAYXON TRAST" (ИИН 300460211) MЧЖга тегишли бўлган думалоқ муҳр ҳамда бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли **БЕКOP ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТCRУИ томонидан рўйхатга олинган, Мирзо Улуғбек тумани, М. Улуғбек кўчаси, 52-уй, 17-хонадонда жойлашган "MUYUNKO'L PETROL" (ИИН 300046377) хусусий корхонасининг ташкилий-хуқуқий шакли "MUYUNKO'L PETROL" масъулияти чекланган жамиятига ўзгаришини маълум қилади. Телефон: 189-83-82.

Олмазор тумани ТCRУИ томонидан рўйхатга олинган Яқка тартибдаги тадбиркор Ташмухамедов Тохиржон Раҳманбердиевичга тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКOP ҚИЛИНАДИ.**

Олмазор тумани ТCRУИ томонидан рўйхатга олинган Яқка тартибдаги тадбиркор Ташмухамедов Тохиржон Раҳманбердиевичга тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКOP ҚИЛИНАДИ.**

Олмазор тумани ТCRУИ томонидан рўйхатга олинган Яқка тартибдаги тадбиркор Ташмухамедов Тохиржон Раҳманбердиевичга тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКOP ҚИЛИНАДИ.**

Олмазор тумани ТCRУИ томонидан рўйхатга олинган Яқка тартибдаги тадбиркор Ташмухамедов Тохиржон Раҳманбердиевичга тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКOP ҚИЛИНАДИ.**

Олмазор тумани ТCRУИ томонидан рўйхатга олинган Яқка тартибдаги тадбиркор Ташмухамедов Тохиржон Раҳманбердиевичга тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКOP ҚИЛИНАДИ.**

Олмазор тумани ТCRУИ томонидан рўйхатга олинган Яқка тартибдаги тадбиркор Ташмухамедов Тохиржон Раҳманбердиевичга тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКOP ҚИЛИНАДИ.**

Олмазор тумани ТCRУИ томонидан рўйхатга олинган Яқка тартибдаги тадбиркор Ташмухамедов Тохиржон Раҳманбердиевичга тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКOP ҚИЛИНАДИ.**

Партиялар ҳаётидан МАҲАЛЛА ЁШЛАРИ САЛОҲИЯТИ

О'zLiDeP "Ёшлар қаноти" ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида Ангрен шаҳрида "Маҳалла халқ вилдони – тадбиркорлик юрт ривожини" шиори остида "Ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш ва қўлағи муҳит яратишдаги ҳамкорлик масалалари" мавзусида бизнес форум ўтказилди.

Тадбирда партия аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, Марказий банк вилоят бошқаруви, вилоят "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Хунарманд" уюшмаси, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, "Ўзбекинвест" филиали, Ангрен махсус индустриал зонаси дирекцияси вакиллари, тадбиркор ва фермерлар, ОАВ ходимлари иштирок этди.

Иштирокчилар маҳаллада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ёш тадбиркорларнинг интеллектуал салоҳиятидан оқилнона фойдаланиш, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ҳўжалик бошқаруви соҳасидаги билим ва тажрибаларини мунтазам ошириш, оилавий бизнес фаолиятини бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш масалаларини атрофлича кўриб чиқишди.

Сайёра АСРАНОВА.

Махсус индустриал зонаси ҳудудида умумий қиймати қарийб 44 миллион АҚШ долларига тенг энергияни тежайдиган диодли ёруғлик лампалари, турли катталикдаги мис қувурлар, кўмир брикетлари каби юксак технологиялар асосида маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, шакар ишлаб чиқарувчи янги завод ва бошқа корхоналар барпо этилди.

Партия томонидан аҳоли, шу жумладан хотин-қизлар ва ёшларни иш билан таъминлаш, хунармандчиликнинг турли йўналишларига жалб этиш, маҳаллада оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатар амалий ишларни йўлга қўйилди. 2014 йилда шаҳарда янги ишлаб чиқариш объекти янги ишга ташкил қилинган, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ҳисобиغا 5 мингдан зиёд янги иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ёш тадбиркорларнинг интеллектуал салоҳиятидан оқилнона фойдаланиш, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ҳўжалик бошқаруви соҳасидаги билим ва тажрибаларини мунтазам ошириш, оилавий бизнес фаолиятини бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш масалаларини атрофлича кўриб чиқишди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ёш тадбиркорларнинг интеллектуал салоҳиятидан оқилнона фойдаланиш, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ҳўжалик бошқаруви соҳасидаги билим ва тажрибаларини мунтазам ошириш, оилавий бизнес фаолиятини бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш масалаларини атрофлича кўриб чиқишди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ёш тадбиркорларнинг интеллектуал салоҳиятидан оқилнона фойдаланиш, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ҳўжалик бошқаруви соҳасидаги билим ва тажрибаларини мунтазам ошириш, оилавий бизнес фаолиятини бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш масалаларини атрофлича кўриб чиқишди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ёш тадбиркорларнинг интеллектуал салоҳиятидан оқилнона фойдаланиш, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ҳўжалик бошқаруви соҳасидаги билим ва тажрибаларини мунтазам ошириш, оилавий бизнес фаолиятини бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш масалаларини атрофлича кўриб чиқишди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ёш тадбиркорларнинг интеллектуал салоҳиятидан оқилнона фойдаланиш, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ҳўжалик бошқаруви соҳасидаги билим ва тажрибаларини мунтазам ошириш, оилавий бизнес фаолиятини бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш масалаларини атрофлича кўриб чиқишди.

